## Сиз кутган учрашув



***Муножот янграйди...***
***Нолакор оҳанг «эшилиб, тўлғаниб, инграб» қалб торларини бир-бир чертиб ўтади. Гўё томирларда мўъжизакор куй мавжланиб-мавжланиб оқа бошлайди. Кўнгил унинг тўлқинларида покланиб, қанотланади. Гоҳ шиддат, гоҳ сокин юрак деворларига урилаётган жонбахш оҳанг мудраб ётган туйғуларга қўшилиб нур бўлиб юракка қуйилади. Юрак нуристонга, кўнгил эса кўзга айланади.***
***«Кеча келгумдир дебон ул сарви гулрў келмади,***
***Кўзларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади».***

### Берта ДАВИДОВА:

# БИР ҲОВУЧ ЎЗБЕКИСТОН ТУПРОҒИНИ

## дунёнинг бор бойлигига алмашмайман

Ҳофизанинг қалб туғёнларига қўшилиб янграётган қўшиқдан кўнгиллар симобдек эрийди, бошлар тебранади, кўзга айлаган кўнгил кўзгусидан хотиралар бир-бир бўй кўрсатиб ўтади. Юракнинг туб-тубига беркитиб ташланган «кимнингдир» нурли сиймоси элас-элас кўзга ташланади. Юрак титраб кетади, кўнгил қўшиқ сеҳридан сел бўлиб йиғлайди. Унга қўшилиб оққув булутлар йиғлайди, булутларга кўзларини яшириб юлдузлар йиғлайди. Ерда тўлғаниб-тўлғаниб сувлар ҳижрон қўшиғини бошлайди, қирларда лолалар алвонланиб, мавжланиб булбулини соғинади. Қўшиққа айланган кўнгил кимнидир излайди, юракларда муножот бўлиб муҳаббат оқади.

Бертахоним эса «Муножот»и билан юракларни ана шундай қайта-қайта уйғотаверади. Ҳофиза ижросида янграган «Баёт II», «Баёт V», «Насри баёт», «Талқини баёт», «Таронаи баёт», «Самарқанд ушшоғи», «Фиғон», «Дугоҳ» каби қўшиқларни тинглаганингизда ҳам ана шундай ҳолат қалбингизни такрор-такрор ларзага солади. Бу қўшиқнинг ижрочиси шунчалар моҳирки, у сўз аталмиш буюк қудратни, оҳангларга йўғириб, қалби билан сайқаллаб тингловчи кўнглига жо қилади. Шу боис бу қўшиқларни ундан ўтказиб ижро этиш бирор санъаткорга насиб этган эмас. Унинг қўшиқларини барча миллат таржимасиз тушунади, юракдан англаб, вужуди билан ҳис қилади.

17 ёшида «Муножот»ни айтиб санъатга кириб келган Бертахоним Давидова маънавияти юксак ўзанлардан сув ичган Марғилонда туғилиб, камолга етди. Бертахоним сийратида ҳам Марғилон қуёшининг тафти, заминининг саховати, содда, самимий одамларининг табиати яшайди. Қолаверса, санъат ва адабиётни нозик тушунадиган муҳитда ўсиб камолга етди. Туғилиб ўсган ҳовлиси машҳур Юсуфжон қизиққа шундоққина қўшни эди.

— Дадамни Довудбой дейишарди, ўзига тўқ, етук маънавиятли, адабиёт ва санъатни чуқур тушунган киши эди, — дея болалигини хотирлайди Бертахоним.

— Мактабга қатнардим, йўлдаги сим-ёғочларда катта карнайлар бўларди. Ҳалима Носированинг «Оқ, ойдин кўчалар» қўшиғини кўп қўйишарди.

Бертахоним ўзи айтгандек, Ҳалима Носированинг қўшиқлари шайдоси эди. Уларни соатлаб тинглаб, ўзи ҳам хиргойи қилиб завқланарди. Тиббиёт билим юртида ўқиб юрганида ҳаваскорлик тўгарагига қатнашиб, қўшиқнинг сеҳрли оламига қадам қўйди. Бу орада уруш бошланди. Тошкентда очилган ҳарбий госпиталда Бертахоним ҳамшира бўлиб ишларкан ҳам сеҳрли қўллари, ҳам дилбар қўшиқлари билан беморлар дардига шифо улашарди. Бир куни Республика радиосидан Имомжон Икромов бошчилигида бир гуруҳ санъаткорлар концерт бергани келишади. Концертда беморларнинг «Ўзимизнинг қўшиқчи қизимиз ҳам айтсин» деган таклифи билан саҳнага чиқади.

— Ҳалима опа куйлаган ўша машҳур қўшиқнинг ярмида уялиб саҳнадан чиқиб кетдим, — дейди Бертахоним. — Имомжон Икромовга овозим ёқиб, уларнинг таклифлари билан радиода ишлай бошладим. «Тановар», «Ўн саккиз ёшингдадир», «Адашганман» каби қўшиқларимни шу олижаноб устозим ўргатганлар.

Унинг қўшиқлари шу пайтдан бошлаб шинавандаю мухлислар орасида шуҳрат қозонди. Бертахонимга эл ардоқлаган, машҳур ҳофизлар Жўрахон Султонов ва Маъмуржон Узоқовлар ҳам алоҳида эътибор кўрсатишарди.

Бертахоним аввал мақом йўлларини мукаммал ўзлаштириб олди. Устоз созандаю хонандалардан ижод ва талқин сирларини ўрганди. Унинг тасаввурида ҳар бир гиёҳ ердан қўшиқ айтиб бош кўтаради, қуёш дунёни қўшиққа тўлдириб порлайди, капалаклар қанотида қўшиқ олиб учади.

— Қўшиқ дилларни юмшатади, дардларни аритади, эртанги кунга умид, ишонч уйғотади. Ҳеч эсимдан чиқмайди, — дея кўнгил дафтарини бир-бир варақлайди Бертахоним Давидова. — Бир куни бешик тебратаётиб, секин куйлай бошладим. Қарангки, айтаётган қўшиғим қалбимдаги дарду изтиробларни, ушалмаган орзу-армонлар, хуллас, ҳаётимдаги машаққатларни енгиб, мақсадим сари интилишларимни бир-бир кўрсатиб ўтарди. Қўшиқдаги сатрлар руҳиятимга монанд эди. Гўё бу қўшиқ фақат мен учун ёзилгандек, юракдан сел бўлиб айтдим. Кейинчалик катта йиғинларда «Самарқанд ушшоғи», «Муножот»ни ҳам ана шундай бутун вужудим қўшиққа айланиб куйладим. Қўшиқ айтаётганда ҳаяжону эҳтиросларим овозимга кўчаётгани, бутун борлиғим сеҳр оғушида қолганини ҳис қилардим.

Бертахоним куйлаган қўшиқларнинг ўз мухлислари бор. Улар ҳали ҳануз қўшиқ сеҳри ила яшайдилар, ижод қиладилар. Айтишларича, буюк актёрлар Аброр Ҳидоятов «Отелло»ни, Шукур Бурхонов «Шоҳ Эдип»ни ўйнашдан аввал Бертахоним ижро этган «Муножот»ни тинглаб саҳнага чиқишаркан.

Яхши қўшиқ инсонни руҳан қувватлантириб, унга бетимсол илҳом бахш этиши ҳақида мутафаккир зотларнинг хотира дафтарларидан кўплаб қайдларни ўқиганмиз. Ишончимиз комилки, Бертахоним куйлаган қўшиқлар ҳам қанчадан-қанча дилбар шеърлар, дил ўртар куйлар, минглаб оламшумул кашфиётларга асос бўлган.

Ўзбекистон халқ артисти Бертахоним Давидова нафақат соҳир қўшиқлар ижрочиси, балки ажойиб уй бекаси, вафодор ёр, севикли она, энг муҳими, одамохун, ватанпарварлиги билан ҳам кўпчиликка ўрнак. У она-Ватан Ўзбекистонни жонидан ортиқ севади. Унинг ҳар тошидан ҳикмат, ҳар гиёҳидан қўшиқ излайди. «Ватандан айрилган ҳар ерда хор бўлади. Бегона юрт ҳеч қачон ватан бўлолмайди, Ватандан ўзга бахт йўқ», дейди санъаткор.

Шу боис у жаҳон саҳнасида Ўзбекистон бўлиб куйлайди. Дунёдаги энг ривожланган давлатларда бўлганида она-Ватанини соғинади. Ана шу соғинч санъаткорни Ватанга, оилага, мухлисларига, уни севиб ардоқлаган халқига боғлайди.

— Раҳматли турмуш ўртоғим Раҳимжон Маҳмудов ҳарбий врач, госпитал бошлиғи эдилар. Ўғлим Эркинжон Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида кафедра мудири. Неварам Маликахон телевидениеда ишлайди. Ҳаётимдан розиман. Президентимиз қўлларидан «Эл-юрт ҳурмати» орденини олиб, бошим кўкка етди. Мен Ўзбекистоннинг бир ҳовуч тупроғини дунёнинг бор бойлигига алишмайман. Қани эди ёшлигим қайтиб келсайди, юртим истиқлолини жўшиб куйлардим.

Бу муҳтарама ҳофизанинг қалб иқрори, юрак сўзи.

**Амина ҚОДИРОВА**

## Футбол



### Драматик учрашув:

# «ПАХТАКОР» — ЧЕМПИОН!

***Куни кеча Россия пойтахти Москва шаҳрида футбол бўйича Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ва Болтиқбўйи давлатлари чемпионлари кубоги мусобақаси ўзининг навбатдаги ғолибини аниқлади.***

Мазкур мусобақанинг ярим финал босқичида Тошкентнинг «Пахтакор» ва Молдавиянинг «Шериф» ҳамда Россия чемпиони ЦСКА ва Латвия чемпионати ғолиби «Вентспилс» жамоалари учрашишларини хабар қилгандик. Пахтакорчилар ярим финалда мусобақанинг ўтган йилги ғолиби — «Шериф» футболчиларини кичик, 1:0 ҳисобида мағлуб этишди. Тошкентликларга зафар келтирган тўпни 43-дақиқада Леонид Кошелев киритди.

Худди шундай ҳисоб ярим финалнинг иккинчи учрашувида ҳам қайд этилди. ЦСКА — «Вентспилс» ўйинида омад меҳмонларга кулиб боқди — 0:1. Ягона гол Римкус ҳисобига ёзилди.

Шундай қилиб, 28 январ куни «Олимпийский» стадионида ўтадиган финал баҳсида Латвия чемпиони «Вентспилс» ва бизнинг «Пахтакор» жамоамиз учрашадиган бўлишди. Ушбу жамоалар турнирда бир гуруҳдан жой олгани боис, ўзаро учрашишга ҳам улгурганди. Бу ўйинда 2:0 ҳисоби билан латвияликларнинг қўли баланд келганидан хабарингиз бор.

Бироқ, финал учрашувида латиш футболчилари айтарли ҳужум уюштира олмадилар. Аксарият ҳужумлар пахтакорчилар томонидан намойиш этилган бўлса-да, улар ҳам дарвоза тўрини ишғол қила олишмади.

90 дақиқалик асосий вақт 0:0 ҳисоби билан тугагач, 10 дақиқадан икки бўлим, қўшимча вақт белгиланди. Аммо пахтакорчилар Анвар Солиев, Ихероуме Уче, Темур Копадзе томонидан йўлланган зарбалар мўлжалдан хато кетаверди.

Қўшимча вақт ниҳоясига етай деганда «Пахтакор» бош мураббийи Равшан Ҳайдаров дарвозабон Игнатий Нестеров ўрнига ёш Темур Жўраевни майдонга туширди. Бу «Пахтакор» устозининг пенальтилар баҳсига ҳозирлик кўриши эди. Демак, пенальти тепиш баҳси.... Пенальти зарбаларини Сервер Жепаров бошлаб берди. Бироқ, унинг зарбасини «Вентспилс» дарвозабони қайтаришга эришди. Латишлардан Римкус ҳисобни очди — 1:0 Ислом Иномов уни тенглаштирди — 1:1. Воқеалар ривожи эса қуйидагича борди. Зизелев — 2:1, Копадзе — 2:2, Качанов — 3:2, Кошелев — 3:3, Колесников — 4:3, Солиев — 4:4. Ниҳоят, «Вентспилс» жамоасининг бешинчи аъзоси тепган тўпни дарвозабонимиз Темур Жўраев қайтаришга эришди. 4:4 ҳисоби ўзгармай қолди. Энди биринчи хатога йўл қўйилгунча томонлар зарбани амалга оширишлари лозим эди.

Бизникилардан Ринат Байрамов, Александр Клецков, Илҳом Суюнов, Ихероуме Учелар зарбани тўғри бажариб, тўпни дарвозага жойлашди. Аммо «Вентспилс» футболчилари ҳам хатога йўл қўйишмади. Демак, ҳисоб — 8:8.

Пенальтидан зарба бермаган футболчилардан деярли дарвозабонлар қолишганди. Посбонимиз Темур Жўраев 10-пенальтини аъло даражада бажарди — 9:8. Унинг ҳамкасби Банинс эса хатога йўл қўйди! «Пахтакор» драматик учрашувда ажойиб ғалабага эришди. Яъни, Ўзбекистон чемпиони МДҲ ва Болтиқбўйи давлатлари чемпионлари кубоги баҳсида узоқ кутилган ғалабасини нишонлади.

**Акмал АБДИЕВ**

# «ОЛИМЖОН АКБАРОВ» ЖАМОАСИ БИРИНЧИ ЛИГАДА

***Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги чарм тўп ишқибозлари ўзларининг «Олимжон Акбаров» футбол жамоаси Республика чемпионатининг биринчи лигасига йўлланма олганлигидан ғоятда мамнун.***

Ўтган йил бу ерда футбол фидойиси Олимжон Акбаров хотира турнири зўр муваффақият билан ўтказилган эди. Туман ҳокимияти Марказий ўйингоҳга «футбол қалдирғочи» бўлган инсон номини бериш ҳақида қарор чиқарди. Ҳозирда бу ерда таъмирлаш ишлари олиб борилаётганлиги сабабли жамоа Қўқон шаҳридаги янги ўйингоҳда машғулотлар ўтказмоқда.

— Жамоамиздан умидимиз катта, — дейди туман Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бош мутахассиси Абдувоҳид Юнусов. — Туманимизда иқтидорли, ёш футболчилар жуда кўп. Улар республика чемпионатида ўз маҳоратлари ва тажрибаларини ошириб, етук футболчилар бўлишига ишонаман. Қолаверса, яйпанликлар ўз тарихларида «Пахтакор», «Помир» ҳамда «Кузбасс» сингари жамоалар билан ўртоқлик учрашувлари ўтказган. Ўйлайманки, ёш футболчиларимиз аждодлари анъаналарини муваффақият билан давом эттирадилар.

Жамоа ўзининг дебютини Фарғона шаҳрида бўлиб ўтадиган «Вилоят ҳокими кубоги» турнирида бошлайди. Унда Фарғонанинг «Нефтчи», Қўқоннинг «Қўқон-1912» ҳамда қўшни вилоятларнинг кучли жамоалари тўп суришини инобатга олсак, яйпанликлар учун мусобақа мавсумолди тайёргарлик вазифасини ўташи турган гап.

Албатта, ҳамма ишнинг бошланиши анча қийин кечади. Жамоа мутасаддиларидан бирининг айтишича, клуб моддий ва маънавий кўмакка муҳтож. Ҳақиқатан ҳам футбол жамоасини тўлиқ таъминлаш, сафардаги учрашувларда қатнашиши, футболчи ва мураббийларга маош тўлаш, ЎФФ бадаллари учун катта миқдордаги маблағ талаб этилади. Ўйлаймизки, туман ҳокимияти, саховатпеша ҳомийлар ушбу жамоанинг «оёққа» туриб олишида баҳоли қудрат ёрдам кўрсатадилар.

**Абдулҳай ЮНУСОВ,**
**«Ишонч» мухбири**




**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**«TULPOR» савдо уйи**
**масъулияти чекланган жамияти**



Россия Федерациясининг барча турдаги «УАЗ» ва «ВАЗ» автомобилларини нақд пулга ҳамда пул ўтказиш йўли билан сотишини маълум қилади.

* Автомобилларга буюртмалар ҳам қабул қилинади.
* Автомобилларга божхона солиғи тўланган.
* Уларнинг сифати тўла кафолатланади.



Манзил: Фарҳод ярмаркаси, 3-қатор.
Мурожаат учун телефонлар:
(8-371) 276-33-51.Факс: (8-371) 117-46-10


***Хат, шикоят ва ариза умуман, ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири ётади. Шу туфайли улар билаш ишлашда синчков, ҳозиржавоб бўлмоқ лозим. Тошкент ҳарбий округ ҳарбий прокуратурасига ўтган 2006 йилда ҳарбий хизматчилар ва фуқаролардан 83 та ариза келиб тушган. Улардан 43 таси бевосита ҳарбий прокуратура ходимлари томонидан кўриб чиқилиб ҳал қилинган. 31 таси эса тааллуқлилиги бўйича ҳал қилиш учун тегишли муассасаларга юборилган. Меҳнат, уй-жойга доир қонунбузилиш ҳолатлари, ижтимоий ҳимоя масалаларига оид аризалар ўрганилиб қаноатлантирилган.***

# ҚОНУНИЙЛИК — АДОЛАТ МЕЗОНИ

Масалан, ҳарбий қисмда шартнома асосида хизматни ўтаётган кичик сержант Л.Соҳибназаров мурожаат қилган. Аризада баён этилишича, ёнғин чиққанида турмуш ўртоғини қутқараётган чоғида ўзи ҳам куйиб тан жароҳати олади. Шу туфайли госпиталда давлоланади. Унинг даволанишига 5003813 сўм миқорида маблағ сарфланади. Ушбу ҳаражатни қоплаш учун ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан ҳар ойда унинг маошидан 50 фоиздан ушлаб қолинган. Л.Соҳибназаров моддий жиҳатдан қийналаётганлигини, мазкур масалани ўрганиб ёрдам берилишини сўраган. Текшириш жараёнида аризачининг бепул даволанишга ҳуқуқи бўлса-да, ҳарбий қисм командирининг буйруғи асоссиз чиқарилганлиги аниқланди. Буйруқни бекор қилиш тўғрисида протест киритилиб, қонунбузилиш ҳолати бартараф этилди.

Мурожаатлар билан ишлашда асосий эътибор фуқароларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясига қаратилади.

Қонунийлик — адолат мезони. Агар ҳар бир фуқаро қонунни билса ўз ҳуқуқини ҳимоя қила олади. Соҳа ходимлари томонидан бу борада ҳам тушунтириш ишлари олиб борилаяпти. Турли учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилаяпти.

**А.ЧЕГЕБАЕВ,**
**Тошкент ҳарбий округ ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси, адлия подполковниги**

## Жамоа шартномалари қандай бажарилмоқда?

***Вилоят ўрта-махсус касб-ҳунар таълими ходимлари касаба уюшмаси таркибида 57 та цех ва 1660 та гуруҳ ташкилотлари бор. 47 минг 885 аъзонинг 6 минг 348 нафари ишчи-хизматчилар, 41 минг 537 нафари талабалардир. Уюшмамиз томонидан жамоа шартномалари бажарилиши қатъий назорат қилинмоқда. Ўтган йили тузилган жамоа шартномалари тўлиқ бажарилишига эришилди. Бунда 3 та доимий комиссиянинг хизмати катта бўлди. Улар жамоа шартномалари ижросини назорат қилиб бордилар.***

# ИҚТИДОРЛИ ЎҚУВЧИЛАР МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ

Йил давомида уюшма аъзоларидан 20 та ариза ва 17 та оғзаки мурожаат тушди. Уларнинг 31 таси ижобий ҳал қилинди. Фаолларни ўқитиш тадбирлари ҳам алоҳида режа асосида амалга оширилди. Хусусан, 7 та семинар ташкил қилиниб, уларда 447 нафар фаол иштирок этди.

Белгиланган вазифаларни бекаму кўст адо этишимизда таклиф ва мулоҳазалар дафтарининг аҳамияти катта бўлганлигини таъкидлаш жоиз. Унга аъзолар юзлаб фикр-мулоҳазаларини ёзиб қолдирдилар. Академик лицей, касб-ҳунар коллежларининг умумтаълим фанлари бўйича иқтидорли ўқувчиларини аниқлаш, қўллаб-қувватлаш ва улардаги ноёб фазилатларни янада ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Бунинг учун турли танловлар ўтказилиб, ғолиблар муносиб тақдирланмоқда. Касаба уюшма аъзоларининг спорт билан шуғулланишлари учун ҳам шарт-шароитлар етарли. Барча ўқув юртларида спортнинг ўнлаб турлари бўйича заллар, майдончалар мавжуд. Ўтган йилги «мини футбол ҳафталиги»



иштирокчиларда қизғин таассурот қолдирган эди. Бу йил ҳам ана шундай ҳафталикни юқори савияда ташкил қилиш учун тайёргарликни бошлаб юбордик.

Ўтган даврда ходимларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилди. Хусусан, маданий-оқартув, соғломлаштириш тадбирларига 86 минг, ногиронлар, кўп болали оилалар, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, байналмилалчиларга 589 минг, нафақахўрларга 1 миллион 150 минг, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги тадбирлари учун 52 миллион 907,2 минг сўм маблағ ажратилди. Ижтимоий ҳимоя йилида бундай тадбирлар давом эттирилади.

**Мансур ЁҚУБОВ,**
**Хоразм вилоят ўрта-махсус касб-ҳунар таълими ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси**


ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
O'.K.U.F. F.T.U.U.

БОШ МУҲАРРИР
Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:
Алла Долженкова,
Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари),
Маъмура Адилова,
Мирзоҳид Содиқов,
Носирхон Акбаров,
Ойсулув Нафасова,
Пиримқул Қодиров,
Соғиндиқ Ниетуллаев,
Шамси Эсонбоев,
Элёр Ёқубов,
Ғуломзокир Юсупов

Бизга қўнғироқ қилинг:
Котибият
153-52-78

Бўлимлар
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими: 153-87-63
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими: 153-87-73
Ижтимоий-иқтисодий сиёсат бўлими: 153-87-74
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт бўлими: 153-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш бўлими: 153-85-43
Реклама ва эълонлар бўлими: 153-03-90

БИЗНИНГ МАНЗИЛ:
700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134
E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Навбатчи котиб - А.Алламуродов
Навбатчи муҳаррир - А.Қодирова
Навбатчи - Р.Сайидаҳмедова
Мусаҳҳиҳ - Д.Комолов

Саҳифаловчи-дизайнер: З.Бакиров ва Ю.Михайловский

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Офсет усулида босилди.
Бичими А-2.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда.

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди - 22.50

Буюртма Г— 015
Тиражи: 19246
2345